# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 24 (8764). ● 1986 йил 31 январь, жума ● Баҳоси 4 тийин.

**Кеча Тошкентда, Санъат саройида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди ўз ишини бошлади.**




ТОШКЕНТ. 1986 йил 30 январь. Санъат саройи. Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съездининг президиуми. Минбарда—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев. (ЎзТАГ фотоси).

## Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

30 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди иш бошлади. Съезд делегатлари орасида партия, революция, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, Совет Армиясининг вакиллари бор.

Съездни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ очди.

Съезднинг раҳбар органлари: президиум, секретариат, редакцион комиссия, мандат комиссияси сайланади.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисоботи.
2. Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясининг ҳисоботи.
3. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси тўғрисида.
4. Таклиф этилаётган ўзгартишлар билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Устави лойиҳаси тўғрисида.
5. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида.
6. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетини сайлаш.
7. Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясини сайлаш.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига ҳисобот докладини қилди.

Ревизия комиссиясининг раиси Ш. ЁҚУБОВнинг шу комиссия номидан қилган ҳисоботи тингланди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. АЛИМОВ, Хоразм область Урганч районидаги Чапаев номли колхоз механизатори У. БОЛТАЕВА, Ангрен шаҳридаги «Узбекшахтострой» трестининг ғишт терувчилар бригадири Д. А. ЗАЗУЛИН, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. САЛИМОВ, Қашқадарё областидаги Муборак газни қайта ишлаш заводининг оператори О. Н. СИБРЯЕВА, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. РАЖАБОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент локомотив депосининг машинисти Х. А. ИСАМУҲАМЕДОВ, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони Н. И. ПОПОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. САЛИКОВ, Андижон область Андижон районидаги Энгельс номли совхоз сут соғувчиси Х. ҒОФУРОВА, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ, Самарқанд шаҳридаги 2-болалар юқумли касалликлар шифохонасининг бош врачи Л. А. ҚАЮМОВА, Косонсой район партия комитетининг биринчи секретари С. КАРИМОВ сўзга чиқдилар.

Съезд мандат комиссиясининг раиси П. В. ДОГОНКИН шу комиссия номидан қилган докладни тинглади ва тасдиқлади.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари В. А. АБОЛЕНЦЕВ, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектори мудирининг ўринбосари И. Е. ПОНОМАРЕВ қатнашмоқдалар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

## СЪЕЗДНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

### ПРЕЗИДИУМ

| | | |
|---|---|---|
| Абдуллаева Р. Ҳ. | Иброҳимова Р. | Попов Н. И. |
| Абдусатторова Х. | Иванушкина Р. Н. | Пронина Н. П. |
| Аболенцев В. А. | Икромов А. С. | Ражабов Н. Р. |
| Алиев Э. | Исоқова М. | Раҳматов О. |
| Алимов Т. А. | Исамуҳамедов Ҳ. А. | Романовский А. П. |
| Алимова Ҳ. | Исмоилов У. | Рўзматова А. |
| Анищев В. П. | Қодиров Ғ. Ҳ. | Рустамова С. |
| Антонов В. А. | Казанцев В. В. | Собирова Н. |
| Орипжонов М. М. | Қориева Б. Р. | Салимов О. У. |
| Орипов И. Х. | Қосимова Х. А. | Саликов К. |
| Аҳмедов Қ. А. | Ким Л. С. | Сатин Б. Ф. |
| Охунбобоев К. И. | Киселева А. А. | Сеченова З. М. |
| Бобожонов Ю. | Кожемяко В. С. | Стефановский Г. А. |
| Боженко И. П. | Комарова Л. Е. | Султонова С. У. |
| Бомуротов А. | Лобко В. Н. | Титова В. М. |
| Головин В. А. | Мамажонов Х. | Туропова А. У. |
| Дадажонова Д. | Мамарасулов С. | Умаров Ҳ. |
| Жонибеков В. А. | Маматқулов Д. | Усмонхўжаев И. Б. |
| Жўрабеков И. Ҳ. | Мирбобоева М. | Ҳабибуллаев П. |
| Догонкин П. В. | Мирзаев М. М. | Хайдуров В. А. |
| Долгополова Н. Н. | Михайлов В. К. | Холмирзаева Ю. |
| Дўсова О. | Нўъмонов К. (Яшин) | Шарипов А. |
| Даримбетов К. | Нуржаев Р. | Шляхтин В. И. |
| Ешимбетова Т. А. | Огарок В. И. | Эшбоев А. |
| Журавлев В. Н. | Пардаев А. | Ёқубов Ш. |
| Захриддинов Ғ. З. | Пономарев И. Е. | |

### СЕКРЕТАРИАТ

| | | |
|---|---|---|
| Ортиқбоева К. | Игумнов Т. И. | Нурматова Д. К. |
| Бобоназарова Т. | Қаюмов Л. П. | Тоиров Қ. Т. |
| Жабборов И. | Клепиков А. Ф. | Йўлдошев А. А. |
| Зарудина И. Б. | Неклесса Г. Г. | |

### РЕДАКЦИОН КОМИССИЯ

| | | |
|---|---|---|
| Васильев Ю. С. | Қурбонов С. Ш. | Мухторов А. Ғ. |
| Ғоибов Н. Ё. | Қурбонов С. | Работягова А. Г. |
| Гудков Ю. П. | Мелиев А. | Топилов Х. Г. |
| Жонибеков Ж. М. | Мўминова Г. Ж. | Юсупов Б. |
| Кунназаров У. | | |

### МАНДАТ КОМИССИЯСИ

| | | |
|---|---|---|
| Алимов И. Ғ. | Жумабоева Г. | Муротов М. |
| Алламуродов Б. | Қораева А. В. | Нарзуллаев Н. |
| Асепков Ю. А. | Кенжаева Н. Ҳ. | Пайғамов А. |
| Отахонов Н. | Курочкин Ю. В. | Санақулова Г. И. |
| Берков Д. Д. | Кучина А. А. | Стешенко Г. П. |
| Воеков А. С. | Қўчқоров И. | Стрижнев С. И. |
| Ғафуржонов Э. Ғ. | Маҳмудова Ш. Н. | Султонова О. |
| Гревцов Е. В. | Мелентьев Ю. А. | Тожиев Х. Н. |
| Жабборов Ш. | Мирқосимов М. М. | Тошматов А. Ё. |
| Догонкин П. В. | Мирёқубов Т. М. | Ҳасанова М. |
| Духанов Н. В. | Михайлов Я. М. | Шчучинов Л. Н. |
| | Мўминов А. | Эргашев Р. С. |

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР КОМПАРТИЯЛАРИНИНГ СЪЕЗДЛАРИДА

## БУТУН ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

МИНСК, 30 январь. (ТАСС). Белоруссия Компартиясининг бугун очилган XXX съездида қилинган ишларга талабчанлик, принципиаллик билан баҳо бериш ва белгиланган планларни рўёбга чиқариш йўлларини танлашга ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш муҳити ўзига хос хусусият бўлди. Делегатлар республика Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботини ва Ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилмоқдалар, партиянинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларидан келиб чиқадиган вазифаларни таҳлил этмоқдалар.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньковнинг Ҳисобот докладида ва нутқларда партиянинг ташаббусни ва ишга ижодий ёндашишни ривожлантиришга, партия комитетлари фаолиятининг услуб ва методларини такомиллаштиришга, кадрлар масъулиятини оширишга, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган йўли сезиларли натижалар бераётганлиги таъкидланди.

Экономиканинг асосий кўрсаткичи — миллий даромад беш йиллик мобайнида топшириқда кўзда тутилган 23,3 процент ўрнига 32,5 процент ўсди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 30 процент ошди.

Делегатлар республика меҳнаткашларининг ўтган беш йилликдаги иш якунларини таҳлил қилиб, беш йиллик якунлари кам чиқим билан юксак натижаларга эришмоқ учун қандай меҳнат қилиш лозимлиги ҳақида кўпгина намуналар кўрсатганини, партия ташкилотларини янги шароитларда экономикага раҳбарлик тажрибаси билан бойитганини айтдилар. Айни вақтда жиддий камчиликлар ҳам бор. Чунончи, республика ишлаб чиқаришни интенсивлашда, унинг самарадорлигини оширишда қатъий силжишга эриша олмади. Экономикани ривожлантиришга сарфланган маблағларнинг самараси ҳозирча паст. Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари халқ хўжалиги фонд билан таъминланишининг ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда. Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, Секретариат ва бўлимлари барча область, шаҳар, район ва бошланғич партия ташкилотлари ўз ишини янгича қайта қуришга, куч-ғайратни экономикани интенсивлашнинг етакчи йўналишларига, ғоят муҳим социал проблемаларни ҳал қилишга тўла даражада жамлашига эриша олмадилар.

Республикада мавжуд бўлган катта илмий потенциалдан оқилона фойдаланиш, — дейишди делегатлар, — фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштиришнинг асосий йўлларидан биридир. Фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг тематикасини ғоят муҳим регион проблемаларини ҳал қилишга яқинлаштириш, уни етакчи тармоқларни, аввало машинасозлик, радиоэлектроника, химия ва нефть химияси тармоқларини перспектив ривожлантириш билан боғлаш, янги ечим ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга, тўсқинлик қилаётган сабабларни дадил бартараф этиш зарур.

Делегатлар асосий экинлар етиштириш, хўжаликларнинг табиий-иқтисодий шароитларига мос бўлган ҳосил олишнинг интенсив технологиясига ўтишни тугаллашни Агросаноат комплекси ходимларининг энг биринчи юмушлари деб атадилар. Хўжаликларнинг ҳар бири ўз харажатларини ўзи қоплаш принциплари асосида ишлашига, ўз маблағлари ҳисобига кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни таъминлашига эришиш зарур. Кўпгина колхоз ва совхозларда харажатлар даромадлардан ошиб кетаётганлиги билан, маҳсулот таннархи кўтарилаётганлиги билан муроса қилиш мумкин эмас.

Съездда идеология ва тарбия ишини такомиллаштириш, сиёсий раҳбарлик савиясини, партия барча бўғинларининг ташкилотчилик фаолияти савиясини ошириш проблемаларига кўп эътибор берилмоқда.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

## ШАНБАЛИК ТЎЛҚИНИДА

**Андижон трикотаж фабрикаси иккинчи тикув цехининг барча бригадалари коммунистик шанбалик куни тежалган материаллар билан ишлаб бериш мажбуриятини олди.**

15 февраль куни энг юқори унумдорликка эришишга, 35 минг сўмлик трикотаж буюм ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Бу одатдагидан анча кўпдир.

* * *

**Хазораспдаги пахта тозалаш заводининг энергетиклари партия XXVII съездига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик шанбалик ҳисобига дастлабки ҳисса қўшдилар.**

Булар икки трансформаторни бепул ремонтдан чиқариб, тўла қувват билан ишлайдиган қилишди. Натижада хом ашёни қайта ишлаш учун электр энергия сарфи анча камайди. Шанбалик куни коллектив тежалган энергия билан ишлайди.

* * *

**Шанбалик куни Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз — заводида чорвадорлар уйи пойдевори қуйилади.**

Боғбонлар мева дарахтларини бутайдилар, бригадаларнинг бири хўжалик ичидаги ариқ-зовурларни тозалаш билан шуғулланади. Совхоз меҳнаткашлари 15 февраль куни ишлаб топиладиган икки минг сўмдан кўпроқ маблағни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

# ЎРТОҚ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши 2- ва 3-бетларда).

«Фан—ишлаб чиқариш» цикли қисқартирилмаяпти. Бу йўлда кўплаб сунъий ғов ва тўсиқлар қалаштириб ташланган. Республикада цементни паст температурали синтез асосида тайёрлаш янги технологияси аллақачон ишлаб чиқилган бўлиб, бу технология моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг анча тежалишини таъминлайди. Шу технология лицензиясини кўпгина чет мамлакатлар сотиб олишди, бизда эса иш тажриба қурилмасидан нарига ўтмади. Ҳолбуки, қурилиш министрликлари ва, аввало, бинокорлик материаллари саноати министрлиги цемент етишмаяпти, деб муттасил нолишади. Бундай мисоллар эса оз эмас.

Юқоридагиларни такрорлаб шуни айтиш мумкинки, узоқ вақтдан буён ўтказиб келинаётган изланишлар республика пахтакорларигина эмас, шу билан бирга барча меҳнаткашлари ҳам кўпдан буён кутишаётган янги пахта териш машинаси яратилишига барибир олиб келмаганлиги илмий ва конструкторлик бўлинмалари ишининг тарқоқлиги ҳамда самараси пастлигига жиддий таънадир. Мелиорация ва сувдан фойдаланиш масалалари билан ўнга яқин илмий ташкилот шуғулланмоқда. Суғориш ишлари эса ҳамон аввалгидек ота-боболаримиздан қолган «кетмон» усули билан бажарилмоқда.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, тармоқлараро илмий-техника марказларини барпо этиш илм-фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштиришнинг самарали формаларидан бири эканлигини тажриба кўрсатди. Аммо бизда бу соҳадаги иш суст олиб борилмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга партия таъсирини кучайтиришда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республиканинг партия комитетлари ҳузурида ташкил этилган фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашлар муҳим роль ўйнаши керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан тобора жипс интеграциялашув ва шу асосда бутун халқ хўжалигини яна ҳам юксакроқ сифат даражасига ўтказиш — ривожланишимизнинг бош йўли, энг муҳим иқтисодий ва социал вазифадир. Бинобарин, барча партия, совет, хўжалик органларининг куч-ғайрати, бошқаришнинг бутун структураси, хўжалигимизнинг бутун механизми ана шу вазифани ҳал этишга йўналтирилиши керак.

## Хўжалик юритиш механизми ва бошқариш структурасини такомиллаштирайлик

Экономикани интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш хўжалик механизмини ва бошқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш зарурлигини актив тақозо этмоқда. Зотан бунда бутун халқ хўжалигини юритишда план асосларининг ролини кучайтириш асосий масаладир. Республика Министрлар Совети **Госпланининг** роли ва жавобгарлигини ошириши, унинг ваколатлари камситилишига йўл қўймаслиги, ишлаб чиқилаётган планлар атрофлича ва илмий асосланган, тиғиз ва реал бўлишига эришиши керак. Мутаносиб ва барқарор шундай планлар бошқаришнинг барча даражаларида қонун бўлиб қолиши лозим. Ҳолбуки, ўтган беш йилликда саноатнинг ўзидагина планларни ўзгартириш жами қиймати 2 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Бу Госплан ва унинг раиси Қ. А. Аҳмедовнинг очиқ-ойдин хатоси бўлиб, улар шунга йўл қўйиб беришган.

Волюнтаризмни, бир одамнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинадиган асоссиз қарорларни халқ хўжалигини юритиш практикасидан чиқариб ташлаш зарур. Госплан ўз ишини қатъиян қайта ташкил этиши, принципиаллик кўрсатиши, маҳаллийчилик ва тармоқ манфаатларини кўзлаб, умумдавлат манфаатларидан чекинишларга йўл қўймаслиги керак. Госплан планлаштиришнинг чинакам илмий-иқтисодий органи, хўжаликни ва бошқариш структурасини такомиллаштиришда ҳукуматнинг ишончли таянчи бўлиб қолиши лозим.

Келгуси даврда республиканинг хўжалик юритиш янги системасига ўтган кўпчилик министрликлари ва идоралари ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва концентрациялашни яна ҳам зўр қатъият билан амалга оширишлари, бошқариш структурасини хўжалик ҳисоби, иқтисодий воситалар ва омилларни кучайтириш билан боғлаб олиб бориб, уни қайта қуриш билан бевосита шуғулланишлари шарт.

Янги вазифалар асосида **молия ва банк органларига, моддий-техника таъминоти системасига** талаблар ортмоқда. Молия министрлиги, Госснаб, банклар кўпинча фактларни таъкидлаш билангина чекланиб қолмоқдалар, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши курашда пул билан контрол қилишдан суст фойдаланмоқдалар. Контрол-ревизия хизмати ишини ташкил этиш қатъиян яхшиланишини талаб қилади.

Биз энг яқин ва олис истиқболга мўлжалланган планларимизни ишлаб чиқа туриб, республикамиз учун долзарб бўлган масалалардан бири — аҳолини кўпроқ иш билан таъминлаш ва **меҳнат ресурсларидан** оқилона фойдаланиш масаласини диққат марказида тутишимиз керак. Кейинги йилларда ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинган кишилар сони аҳоли ўсиши суръатларидан орқада қола бошлади. Шахсий ёрдамчи хўжалигида ёки уй-рўзғорда банд бўлган кишилар салмоғи ўтган беш йилликда кўпайди, мутахассисларнинг фикрича, уларнинг сони салкам бир ярим миллион кишини ташкил этади. Айни вақтда халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ишчилар етишмаяпти, қора металлургияда, машинасозликда, химия ва нефть химияси саноатида эса маҳаллий миллатга мансуб кишилар ҳисобидан ишчилар синфи салмоғи секинлик билан ортмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашни ошириш йўллари маълум — ишлаб турган корхоналарни кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, мавжуд қувватларни кўпроқ ишлатиш, янги корхоналарни, цехларнинг филиалларини, ёрдамчи ишлаб чиқаришларни яна ҳам асосли равишда жойлаштириш шулар жумласидандир. Тўқимачилик саноатининг ўзидагина машина-ускуналар иш сменалиги коэффициентини Иттифоқдаги ўртача икки сменали режим даражасига етказиш қўшимча ўн минг ишчини жалб этиш имконини берган бўлур эди.

Кейинги вақтларда биз Фарғона водийсидаги аҳоли зич яшайдиган областлардан ортиқча меҳнат ресурсларини Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарёнинг қўриқ районларига кўчириш билан шуғулландик. Бу соҳадаги ишни кучайтириш, кўчиб келаётганларга меҳнат ва турмуш учун барча шароитларни яратиш керак. Ўзбекистоннинг тобора кўпроқ вакиллари Сибирь районларини ўзлаштиришда, Ноқоратупроқ зона, Тюмень ва БАМ қурилишларида иштирок этмоқдалар. Ўн иккинчи беш йилликда мамлакатнинг Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларига республика аҳолисидан 60 минг киши жўнатилади. Хуллас, республика Госплани ва ҳукумати ишлаб чиқаётган шу проблемани ҳал этишнинг комплекс программаси зарур. Бу программа мактабгача тарбия болалар муассасалари, бошқа социал-маданий ва маиший объектлар жадаллик билан қурилишини, касаначилик меҳнати, тўлиқ бўлмаган иш куни, ўзгарувчан график каби ва бошқа турли формалардан фойдаланишни ҳам кўзда тутиши лозим.

Аммо энг муҳими, аҳоли бир қисмининг қолоқ турмуш тарзини бартараф этиш, кўчиш жараёнларини тартибга солиш, ёшларни ишчилар синфи сафларига, янги беш йиллик қурилишларига жалб этиш соҳасида партия, совет ва давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг ишини кучайтиришдан иборатдир, албатта.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, республикада вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишнинг сифатини яхшилаш Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан дадил, чуқур ўйланган ва ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул этишни талаб қилади. Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров ва унинг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов халқ хўжалигини бошқариш структурасини шундай созлашлари керакки, экономикадаги танг жойларни ва номутаносибликларни бартараф этиш соҳасида шошилинч ва баъзан ноиложликдан чора кўриш ўрнига пишиқ-пухта иш кўриладиган бўлсин. Ҳозирча улар кўпгина ва охиригача пухта ишлаб чиқилмаган проблемаларни ўртага қўймоқдалар, кўпгина қарорларни таклиф этмоқдалар, аммо бошланган ишни охирига етказмаяптилар, кўпинча воқеалар оқимига эргашиб қолмоқдалар.

## Меҳнаткашлар фаровонлигини янада юксалтириш, хизмат соҳасини ривожлантириш

Ўртоқлар! Партия совет халқини фидокорона ва астойдил меҳнат қилишга даъват этар экан, ҳар бир меҳнаткашнинг турмушини яна ҳам фаровон ва яхшироқ қилишдан иборат бир мақсадни кўзламоқда. Ўтган беш йилликда аҳоли жон бошига реал даромадлар 6.5 процент, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 4,7 процент, ижтимоий истеъмол фондлари қарийб учдан бир баравар кўпайди.

440 мингта квартира қурилди, уч миллиондан кўпроқ киши ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Социал таъминот янада ривожлантирилди, ҳозир республиканинг уч миллиондан кўпроқ аҳолиси социал таъминотдан баҳраманд бўлмоқда. Улуғ Ватан урушининг инвалидлари ва қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинган. 600 мингдан кўпроқ она кўп болалик юзасидан нафақа олмоқда.

Ичкиликбозликни тугатиш борасида партия кўрган ва халқ қўллаб-қувватлаган чоралар фаровонликнинг ўсишига муҳим таъсир ўтказди. Спиртли ичимликлар сотишни камайтириш ҳисобигагина республика меҳнаткашлари ўтган йили 300 миллион сўмдан кўпроқ шахсий даромадларидан соғлом талаб-эҳтиёжларни қондириш учун қўшимча равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Буларнинг ҳаммаси **савдода ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда** ўз ифодасини топди. Беш йиллик мобайнида чакана товар обороти 27 процент, маиший хизмат ҳажми 41 процент ошди. Бироқ, умуман савдо-сотиқни ва маиший хизматни ташкил этиш ҳамда унинг маданияти кун талабларидан, кишиларнинг талаб-эҳтиёжлари ва имкониятларидан анча орқада қолмоқда ҳамда белгиланган планлар бажарилишини таъминламаяпти.

Магазинлар ва ошхоналарнинг 30 процентдан кўпроғи ой сайин топшириқларни уддаламаяпти. Савдо корхоналари ва ташкилотлари товар ресурсларини тарқатиш ва тақсимлашда оперативлик қилмаяптилар, харидорларнинг талаб-эҳтиёжларини яхши ўрганмаяптилар, хизмат кўрсатишнинг илғор формаларини секинлик билан жорий этмоқдалар, саноат билан тегишли алоқани йўлга қўймадилар.

Колхоз ва совхозларнинг маҳсулотларини бозорларга кўпроқ келтириш проблемаси ҳамон жиддийлигича қолмоқда. Колхоз ва совхозлар бевосита аҳолига сотаётган картошка, мева ва сабзавот улуши шу маҳсулотларнинг бозорда сотилаётган жами миқдорида уч процентдан ҳам ошмаяпти. Бунинг оқибатида баъзи маҳсулот турларининг нархлари ошиб кетмоқда, бу эса меҳнаткашларнинг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Айниқса саноат корхоналари ва қурилишларда умумий овқатланиш тармоқлари ниҳоятда секинлик билан кенгайтирилмоқда. Республикадаги ҳар олтита колхоз ва совхознинг бирида атиги 1—2 хил маиший хизмат кўрсатилмоқда, 40 дан зиёд хўжалик эса умуман маиший хизмат билан камраб олинмаган.

Маиший хизмат соҳаси тармоқларининг партия комитетлари, раҳбарлари Марказий Комитет XVI пленумининг савдо системасини кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисидаги талабларидан тегишли хулосаларни чиқариб олишмади. Обрўсини тўкиб қўйган шахслар моддий жиҳатдан масъулиятли баъзи лавозимларда ҳамон ишлаб келишмоқда, кўпгина ташкилотларга эса ишни яхши билмайдиган ходимлар бошчилик қилишмоқда, айни вақтда икки мингдан кўпроқ олий маълумотли мутахассис оддий лавозимларда ишламоқда. Хотин-қизлар савдога ва хизмат соҳасига кам жалб этилмоқдалар. Кўпинча магазинларнинг пештахталари ёнида ҳатто галантерея моллари билан савдо қилувчи ёш ва бақувват эркакларни кўриш мумкин.

Кўрилаётган қатъий чораларга қарамай, харидорлар ва мижозларнинг ҳақига хиёнат қилиш, алдаш, харидоргир молларни яшириб қўйиш ҳоллари ҳамон содир бўлмоқда. Растрата қилиш ва ўғирлаш, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ҳамда бошқа салбий ҳолатлар камаймаяпти. М. Ҳ. Ҳасанов, В. П. Куксенко, А. Маҳмудов бошчилик қилаётган Савдо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари, Ўзбекбирлашув правлениеси совет, жамоат, касаба союз ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда хизмат соҳаси тармоқларида яна ҳам қатъият билан тартиб ўрнатишлари, нолойиқ кишилардан дадилроқ халос бўлишлари, хотин-қизлар, комсомоллар ва ёшларни савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарига кенгроқ жалб этишлари лозим.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини бажариш тўғрисида республика партия, совет, хўжалик органлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак.

**Уй-жой ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш** проблемаси долзарблигича қолмоқда. Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ўзидагина 250 минг оила квартира олиш учун навбатда турибди. Ҳали кўпгина аҳоли ноқулай ва инженерлик таъминоти паст даражада бўлган гувала уйларда яшамоқда. Водопровод, канализация, бошқа қулайликлар билан таъминланиб фойдаланишга топширилган уй-жойлар салмоғи 62 процентни ташкил этади. Ҳолбуки, умуман мамлакатда бу кўрсаткич 83 процентни ташкил қилади. Айни вақтда уй-жойлар қуриш планлари мунтазам суратда барбод этилмоқда, беш йиллик мобайнида салкам 7 мингта квартира кам қуриб берилди. Жиззах, Қашқадарё, Тошкент областларида ва Тошкент шаҳрида уй-жойларни фойдаланишга топшириш планлари сурункасига бажарилмаяпти. Коммунал хўжалигида, аҳолини сув ва иссиқлик билан таъминлашда жиддий проблемалар мавжуд.

Уй-жой қурилишида жуда қатъий тартиб ўрнатиш, ҳамма жойда янги квартираларни фойдаланишга топшириш планлари албатта тўла ва ошириб бажарилишини ҳамда уларни тақсимлаш юзасидан белгиланган тартибга қатъиян риоя этилишини таъминлаш керак. Уй-жой қурилиши кооперативларининг фаолиятига, якка тартибда иморат қурувчиларга ёрдам берилишига, уй-жойларни ремонт қилиш ва уларни сақлашни ташкил этишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бошқа социал-маданий ва маиший масалаларни ҳал этишда айниқса, қишлоқда жиддий қолоқликка йўл қўйилган. Республикада болалар муассасалари ва мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш 37 процентни, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Жиззах областларида эса 20—25 процентни ташкил этади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг талайгина қисмида соғлиқни сақлаш муассасалари йўқ, ана шу аҳоли пунктларининг атиги 35 проценти водопровод ва канализация билан таъминланган. Қорақалпоғистон АССР, Навоий ва Хоразм областларининг қишлоқлари айниқса, ёмон ободонлаштирилган.

Одамларнинг эҳтиёжларига етарлича эътибор берилмаётганлиги, социал-маданий қурилишга ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши устидан контролни ташкил эта билмаслик, социал масалалар ҳал этилиши учун кадрларга нисбатан талабчанликнинг йўқлиги кўпинча мана шу барча камчиликларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Т. Туропов «Главсредазирсовхозстрой»ни фойдаланишга топширилган совхозларнинг кўпчилигида ичимлик сув йўқлиги учун кескин ва ҳаққоний танқид қилган эди. Аммо, ўтган бир ярим йил ичида ишларнинг аҳволи унча яхшиланганн йўқ. Бош бошқарма раҳбарлари танқидга тегишлича эътибор қилмадилар, лекин область партия комитети ҳам пленум минбаридан туриб проблемани ўртага қўйгач, вазифамиз бажарилди, деб ҳисоблаб ўзининг бевосита вазифаларини ҳал этиш учун хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанлик қилмади.

Социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фақат давлат капитал маблағлари ва ресурсларигагина умид боғлаш нотўғри бўлур эди. Ҳар бир районда, ҳар бир меҳнат коллективида одамларнинг турмуш ва иш шароитларини яхшилаш учун каттагина резерв ва имкониятлар мавжуд.

**Медицина хизматини** янада ривожлантириш учун кўп иш қилиш керак бўлади. Ўн биринчи беш йилликда давлатнинг республикада соғлиқни сақлашга қилган харажатлари салкам 4 миллиард сўмни ташкил этди. 107 та янги касалхона, 400 тага яқин поликлиника, бир қанча профилакторийлар очилди, кўп профилли болалар даволаш муассасалари ташкил қилинди. Медицина ёрдамининг ихтисослаштирилган турлари янада ривожлантирилди, аҳолини ҳар йили диспансер назоратидан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Аммо ҳали соғлиқни сақлаш ишида камчиликлар кўп, беморларга нисбатан тошбағирлик ва эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, врачлик ахлоқ-одобини бузиш, таъмагирлик ва порахўрлик ҳолларига барҳам берилмаган. Айниқса, қишлоқда даволаш-профилактика муассасалари тармоғи ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти, юқори малакали врачлар етишмаяпти. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, юқумли касалликларга қарши кураш соҳасидаги ишларни кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш талаб қилинади. Социал таъминот системасини бундан буён ҳам такомиллаштириш, ёлғиз кекса гражданлар, ветеранлар тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарур.

**Атроф муҳитни муҳофаза қилиш** проблемаси тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Бу соҳада ҳам бизнинг ҳал этилмаган муаммоларимиз кўп. Республиканинг индустриал марказларида ҳавонинг, сув ҳавзаларининг булғаниши масалалари ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Ўн иккинчи беш йилликда табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 500 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Ҳар бир район ва шаҳарда, ҳар бир область ва тармоқда ташқи муҳитни соғломлаштириш юзасидан комплекс перспектив планлар ишлаб чиқилиши лозим. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методлари қўлланилишига жиддий эътибор бериш лозим. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши партия, совет, хўжалик органларининг доимий назорати остида бўлиши керак.

Республикамиз пойтахтида ҳал этилмаган кўпгина социал масалалар тўпланиб қолди. Собиқ раҳбарларнинг йўл қўйиб бериши натижасида планда кўзда тутилмаган кўпдан-кўп объектлар одатда социал-маданий эҳтиёжлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қурила берди. Натижада бу ерда уй-жойлар, инженерлик коммуникациялари қурилиши анча орқада қолмоқда, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, болалар боғчалари, яслилар, маданият ва томоша муассасалари билан таъминлаш секинлик билан яхшиланмоқда. Яқинда СССР Госплани Тошкентнинг шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу — партия ва ҳукумат республикамиз тўғрисида, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилаётганликларининг яна бир далилидир.

Шаҳар партия комитети, ўртоқ Б. Ф. Сатин, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, ўртоқ Ш. Р. Мирсаидов шаҳарни ривожлантириш проблемаларини зўр ғайрат ва қатъият билан ҳал этишлари, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилишига, ободонлаштиришга, инженерлик коммуникациялари қурилишига кўпроқ эътибор беришлари керак. Бу ишда министрликлар, идоралар, республиканинг барча органлари, ҳамма областлар актив қатнашишлари лозим. Тошкент — Ўзбекистон ССР пойтахти, зотан у янги, социалистик типдаги, юксак маданиятли, намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар бўлиши мумкин ва лозим.

## II. Янги жамиятнинг актив қурувчиларини тарбиялаб етиштирайлик

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, жамият турмушининг ҳамма соҳаларини такомиллаштириш учун кураш инсон омилининг ролини, ижтимоий онг савиясини ҳар томонлама ошириш билан, совет кишиларининг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий чиниқишини кучайтириш билан чамбарчас боғланган. Партиянинг бу программавий йўл-йўриғи идеологик, оммавий-сиёсий ишларнинг энг муҳим йўналишларини ҳам белгилаб беради.

Ҳисобот даврида республика партия комитетлари идеология ишини такомиллаштириш соҳасида бир талай иш қилдилар. Эндиликда бизнинг ихтиёримизда оммага маърифат ва тарбия берувчи таъсирчан воситаларнинг салмоқли потенциали, идеология кадрлари ва активларининг катта отряди, пропаганданинг дурустгина моддий-техникавий базаси бор. Кўпгина партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва идеология муассасалари шу имкониятлардан самарали фойдаланишга, омма орасидаги тарбиявий ишнинг форма ва методларини хилма-хил қилишга интилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми йўл-йўриқларига, 1984 йил декабрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг тавсияларига амал қилиб, идеология фронтидаги ишларнинг аҳволи учун партия комитетларига нисбатан талабчанликни оширди, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш чораларини кўрди. Партия ташкилотлари ва муассасаларнинг идеологик фаолияти аниқ-равшан бўлиб бормоқда, республика олдида турган социал-иқтисодий вазифаларни амалга ошириш билан тобора чамбарчас боғланмоқда.

Айни вақтда одамлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишнинг аҳволи ҳали ҳам партиянинг замонавий талабларига мувофиқ эмаслигини тан олмоқ керак.

**Идеология кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда** катта янглишишларга йўл қўйилди. Кўпчилик партия комитетларида бу мураккаб ва масъулиятли иш яхши тайёргарлиги бўлмаган, баъзан эса тасодифий ходимларга топшириб қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шаҳар ва район партия комитетларининг секретарларини аттестациядан ўтказди, уларнинг составини мустаҳкамлади. Область партия комитетлари, республиканинг идеология муассасаларида ҳам шундай иш ўтказилди. Партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарларини идеология масалаларига раҳбарлик қилишдан озод этишдан иборат бўлган илгари қарор топган одат ўзгартирилди.

Меҳнаткашларни марксча-ленинча дунёқараш, қатъий коммунистик эътиқод ва ҳаётий позициялар руҳида тарбиялаб, вояга етказиш идеология ишининг марказий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу вазифаларни ҳал этишда **партиявий ўқиш ва иқтисодий таълим** системаси муҳим роль ўйнайди. Республикада уч миллионга яқин меҳнаткаш ўқишнинг турли формаларига жалб этилган. Сиртдан қараганда бу жозибали рақам бўлиб кўринади. Бироқ, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, улкан пропаганда корпусимиз миқдорини кўпайтиришга берилиб кетиб, баъзан энг муҳим ишни — назарий ўқишни ҳаёт билан, коллективларнинг конкрет ишлари билан боғлашни муттасил мустаҳкамлашни, бу ишдаги расмиятчиликни, қироатхонликни тугатишни унутиб қўймоқдалар.

Кўпгина мавжуд мактаб ва семинарлар одамларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини яхшилашга самарали таъсир қилмаяпти. Олот, Олтинсой, Деҳқонобод, Зомин, Косон, Пискент ва Шуманай районларидаги, Қарши шаҳридаги, бошқа бир қанча жойлардаги партия ташкилотларида сиёсий ва иқтисодий ўқиш системаси ҳамон расмий тарздагина мавжуд бўлиб турибди. Навоий областининг Навбаҳор району бунга мисол бўла олади. Бу ердаги ҳамма хўжаликлар рентабел эмас, улар ўн биринчи беш йиллик планларининг бажарилишини ҳамма кўрсаткичлар бўйича барбод қилдилар. Район партия комитетининг ҳисоботларига қараганда эса, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг 50 процентдан кўпроғи иқтисодий таълим системасида шуғулланиб, хўжалик юритишнинг илғор методларини ўрганган эмиш. Чамаси, район партия комитети ва унинг биринчи секретари А. Истамов ўқишни ишлаб чиқаришдаги ишларга асло таъсир ўтказмайдиган тарзда ташкил этаётганга ўхшайди.

Ҳозир турмуш ишлаб чиқаришни ва одамларни тарбиялашни ташкил этишга нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Ҳар бир раҳбар бу вазифаларни ҳал этиш учун ғоявий-маънавий жиҳатдан обдон чиниққан бўлиши, оммавий-сиёсий ишда актив қатнашиши лозим. Яқинда Марказий Комитет Фарғона область партия комитетининг, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг ҳисоботларини кўриб чиқди. Таҳлилнинг кўрсатишича, кўпгина раҳбарлар ўзларининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш билан шуғулланмай қўйганлар, марксизм-ленинизм назариясини, КПСС сиёсатининг актуал масалаларини юзаки биладилар, партия комитетлари эса бу аҳволга муросасозлик билан қарамоқдалар. Бухоро, Навоий область партия комитетлари кейинги беш йил ичида раҳбар кадрларнинг марксизм-ленинизмни қандай ўрганаётганликларини бирон марта кўриб чиқмадилар. Шу областларда область партия комитетининг номенклатурасига кирувчи ходимларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи доимий пропагандистлик ва тарбиячилик ишида қатнашмаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Умуман, республикада раҳбарларнинг атиги 18 проценти пропагандистлардир. Сурхондарё, Жиззах областларидаги, Калинин, Ленинобод, Пискент, Тахтакўпир районларидаги раҳбар ходимлар орасида пропагандистлар айниқса кам.

Партия Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари партиявий ўқишнинг ғоявий-назарий савиясини ва амалий йўналишини кўтаришлари керак. Шу мақсадда партиявий ўқиш ва иқтисодий таълим системасида ўтказилаётган экспериментнинг натижаларидан кенгроқ фойдаланиш, назарий тайёргарликни практика билан янада чамбарчас боғлашни назарда тутиш, раҳбар кадрлар сиёсий ўқишининг ягона системасини жорий қилиш, пропагандистлар, лекторлар, сиёсий ахборотчиларнинг составини мустаҳкамлаш лозим.

**Ягона сиёсий кунлар** раҳбар ходимлар сиёсий ишда қатнашишининг муҳим формаси бўлиб қолди. Шу кунларнинг ҳар бирида 25 мингга яқин раҳбар икки миллион меҳнаткаш билан учрашади. Бу учрашувларда одатда, кескин проблемалар четлаб ўтилмайди, камчиликлар ҳақида ошкора гапирилади. Уларни оператив равишда тугатиш чора-тадбирлари кўрилади.

Аммо биз айрим раҳбарларнинг омма билан мана шундай учрашишга чап бераётганликларини, одамлар билан рўйрост, тўппа-тўғри, ҳалол гаплашишни истамаётганликларини, баъзан эса бундан чўчиётганликларини биламиз. Сиёсий кунлар чоғида меҳнат коллективларининг тахминан учдан бир қисмида раҳбарлар билан учрашувлар ўтказилмай қолмоқда. Сайлаб қўйилган органларнинг аъзолари студентлар ва ўқувчи-ёшлар билан айниқса, камдан-кам учрашмоқдалар. Тошкент, Самарқанд областларининг партия комитетлари ва ташкилотлари баъзи хўжалик раҳбарларининг, айрим ҳолларда эса, баъзи партия, совет ходимларининг ҳам тарбиявий ишдан четда турганликларини, бу масалаларни иккинчи ўринга суриб қўяётганликларини пайқашни хоҳламаяптилар. Масалан, Андижон областида сўнгги сиёсий кунларнинг ўзида область, шаҳар, район бўғини партия комитетларининг 400 аъзоси қатнашмади.

Марказий Комитетнинг пропаганда ва агитация бўлими, область, шаҳар ва район партия комитетлари ягона сиёсий кунларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни такомиллаштиришлари, расмиятчилик ва дабдабозликни таг-туги билан тугатишлари, сайлаб қўйилган партия органи ҳар бир аъзосининг, ҳар бир ходимнинг меҳнаткашларга партия сиёсатини тушунтиришда фаол қатнашишини таъминлашлари керак.

**Динга қарши пропаганда ва атеистик тарбия** проблемаси — республика партия ташкилотлари олдида турган жиддий проблемалардан биридир. Бир қанча партия ташкилотлари динга йўл қўйиб берадилар, баъзан эса у билан тўғридан-тўғри тилёғламалик қиладилар, қолоқ анъаналар ва урф-одатларга эрк бериб қўядилар. Давлат корхоналарида диний тимсоллар тасвирланган, дин пешволарининг сўзлари ёзилган совға буюмлар ва моллар ишлаб чиқарилаётганлигини партия комитетлари кўрмаяпти, кўришни ҳам хоҳламаяпти, исрофгарчиликлар қилинадиган диний маросимларда кўп киши қатнашмоқда. Диний расм-русумларда коммунистлар, комсомоллар, раҳбар ходимлар иштирок этаётганликларидан дарак берувчи кўпгина фактлар бор.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари Устав талабларини ва партиявий ахлоқни мана шундай бузиш ҳолларига бефарқ қарамоқдалар, уларга принципиал баҳо бермаяптилар, партиявийликни диний хурофотлар билан бирга қўшишга уринаётган коммунистларга нисбатан энг оддий талабчанликни ҳам қилмаяптилар.

Наманган областида нохуш диний вазият ҳамон давом этиб келмоқда. Шу областнинг шаҳар ва районларида рўйхатга олинмаган диний бирлашмалар қонунга хилоф равишда иш кўриб келмоқда, ўсмирлар ва аёлларга группа-группа қилиб диний ақидаларни ўргатиш фактлари аниқланди. Область партия комитети эски урф-одатларни қайта тиклаш йўлидан уринишларга сиёсий жиҳатдан аҳамият бермаяпти, КПСС аъзоларининг диний байрамлар ва маросимларда қатнашишларига муносиб баҳо бермаяпти. Атеистик иш умумий иборалар, сийқа тадбирлар йўли билан олиб борилмоқда, кўпинча партия комитетлари ва совет органлари аҳволни сиртдан яхши қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Наманган область партия комитети ҳамда унинг секретарлари Н. Р. Ражабов ва Х. М. Аҳмедова идеология ишларининг бу муҳим соҳасидаги аҳволни чуқурроқ таҳлил этишлари, кўпроқ принципиаллик кўрсатишлари, шаҳар ва район партия комитетларидан, бошланғич ташкилотлардан талабчанликни кучайтиришлари, атеистик пропагандани тубдан қайта қуришлари керак.

Бу иш Сирдарё, Сариосиё, Ульянов, Деҳқонобод, Жиззах, Бувайда, Ургут, Чироқчи ва бошқа районларда ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Марказий Комитет одамларни атеистик тарбиялашни йўлга қўйиш учун партия комитетларидан талабчанликни кучайтириши, вужудга келган диндорлик вазиятини соғломлаштириш юзасидан конкрет чораларни ишлаб чиқиб, амалга ошириши, атеистик пропаганданинг ҳолати учун, янги совет маросимларини жорий этиш учун коммунистларнинг масъулиятини ошириши керак.

Патриархалчилик сарқитларини ва қолоқ урф-одатларни тугатиш масаласида юксак сиёсий ҳушёрлик зарур. «Партия виждон эркинлигининг Конституцияда белгиланган гарантияларига оғишмай риоя қилинишини ёқлаб, дейилади КПСС-нинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида,—диндан жамият ва шахс манфаатларига зарар етказадиган ҳолда фойдаланишга уринишларни қоралайди».

Дин миллатчилик ва шовинизмга йўл очишини, ижтимоий-иқтисодий ва социал ривожланишга, социалистик турмуш тарзини, коммунистик аҳлоқни қарор топтиришга жуда катта ғов бўлишини доимо эсда тутиш керак. Диний сарқитларда, қолоқ урф-одатлар ва расм-русумларда турмушимиздаги ўзгаришларга қаршилик, майда буржуазия стихияси ва хусусий мулкчилик психологияси, кўпдан-кўп салбий ҳолатлар бир-бири билан чамбарчас туташиб кетган.

Синфий, партиявий позицияларда туриб, чинакам халқ анъаналари ва урф-одатларини жамики зарарли ва бегона анъана ҳамда урф-одатлардан фарқ қилиш, ғоявий душманларимизнинг одамларнинг миллий туйғуларини қўзғатиб, бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишларига зарба бериш керак. Халқ анъаналарини ҳурмат қилиш, ёш авлодни ўз Ватанининг тарихига меҳр-муҳаббат туйғуси руҳида тарбиялаш лозим. Аммо мамлакатимиздаги бошқа халқлар каби ўзбек халқининг ҳам ўтмиши — патриархалчилик сарқитларидан, шариат ақидаларидан иборат эмас, албатта. Ҳақиқий халқ анъаналари — доноликдан, меҳнатсеварликдан, ҳалоллик ва камтарликдан, тинчликка интилишдан, чинакам инсонпарварлик ахлоқидан иборат. Рус пролетариати билан биргаликда социал озодлик йўлидаги, бахтиёр турмуш йўлидаги кураш нури билан ёритилган айни мана шундай ўтмиш ҳозирги кунимизга ва келажакка хизмат қилади, уни ҳар томонлама тарғиб қилиб, оммалаштирса арзийди. Шу билан бирга халқ анъаналари ва урф-одатлари ниқоби остида жамиятимизга ёт ғоялар ва ахлоқни тиқиштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин зарба бериш керак.

Хотин-қизлар озодлиги учун умумхалқ юриши—«Ҳужум» ҳаракати бошланганига келгуси йилда 60 йил тўлади. Ҳозир Ўзбекистон хотин-қизлари жамиятда эгаллаб турган юқори ўрин шу ҳаракат таъсирчанлигининг натижасидир. Эскилик сарқитларига, ирим-сиримларга, хурофотларга, қолоқликка қарши курашдаги ҳужумкорлик ишини кучайтиришда мана шу қийин, аммо самарали тажрибадан фойдаланиш лозим. Бу кураш қатъий, муросасиз, ҳужумкорлик билан олиб борилиши зарур.

Бутун оғзаки ва кўргазмали агитациямизни, маданият, маърифат муассасалари, физкультура ташкилотларининг фаолиятини янада кучайтириш ва қайта қуриш лозим. КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, партия, совет, хўжалик органлари меҳнаткашларнинг маданий, мазмундор дам олишини ташкил этиш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Юздан ортиқ миллат ва элат фарзандлари ягона қардошлик оиласида яшаб турган бизнинг республикамиз учун меҳнаткашларни **ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш** алоҳида аҳамиятга эга. Бу ишни қатъиян кучайтириш, уни янги мазмун билан тўлдириш учун ҳозир айниқса қулай имкониятлар бор.

Мамлакатимиз қардош халқларининг кўп миллатли оиласи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ғоят жўш урган вазиятда нишонлади. Совет жамиятининг маънавий-сиёсий, иқтисодий ва социал бирлиги бутун дунё кўз олдида яна бир бор намойиш қилинди.

Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон ССРнинг юбилейини байрам қилиб, партия ишига астойдил содиқ эканликларини, унинг ленинча миллий сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватлашларини кўрсатдилар. Одамларимизнинг бутун ишлаб чиқариш, жамоат, маънавий турмушига интернационализм сингиб боришига бундан буён ҳам интилавериш зарур. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллиги ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга янги қудратли омил бахш этди. Кекса авлодларнинг сўнмас жасорати Ватанга астойдил садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади, ёшларни социализм ҳимоясида ҳарбий ва интернационал бурчга содиқликка ўргатади.

(Давоми 5-бетда).

